

«Бошқаларга фитна бўлмайин»



07:10 / 24.05.2019 2729

Ваҳб ибн Мунаббаҳдан ривоят қилинади: «Ўз замонасининг бир фозил олими одамларни мажбурлаб чўчқа гўшти едирадиган подшоҳнинг ҳузурига келди. Одамлар улуғ олимнинг бу ишини (яъни чўчқа гўштини мажбуран ейишни била туриб келганини) ёмон кўришди. Подшоҳнинг миршаббошиси олимга ёрдам бермоқчи бўлиб, «Менга бир эчки келтиринг, уни ҳалоллаб сўяман. Подшоҳ менга гўшт келтир деса, ўша эчкининг гўштини олиб келаман, ўшани ейсиз», деди. Олим бир эчкини сўйдириб, миршаббошига берди.

Подшоҳ ҳақиқатдан ҳам миршаббошига чўчқа гўшти олиб келишни буюрди. Миршаббоши олимнинг ўзи берган эчки гўштини олиб келди. Подшоҳ олимга уни ейишни буюрди, лекин у бош тортди. Миршаббоши олимга кўзи билан гўштнинг ўзи берган гўшт эканини ишора қилиб,

еяверинг деди. Лекин олим гўштни емади. Подшоҳ миршаббошига уни қатл қилишни буюрди. Ноилож уни қатл қилиш учун олиб кетаётган миршаббоши йўлда сўради: «Мен берган ўша эчки гўшти эди, нега уни емадингиз? Ё бошқа гўшт деб ўйладингизми?». Олим: «Берган гўштингиз ўзим берган эчки гўшти эканлигини билдим, лекин чўчқа гўштини емоқчи бўлганлар «Фалончи еган-ку» деб, мени намуна қилиб ейишларидан қўрқдим. Улар мени мисол қилишади, уларга фитна бўлиб қоламан», деб жавоб берди. Миршаббоши уни қатл қилди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан